

ОТБ Қарши-Китоб йўлини модернизация қилишга кўмаклашади



ОТБ Қарши-Шахрисабз-Китоб автойўлининг 77 километрини модернизация қилишга 198 млн доллар кредит ажратади.

Осиё тараққиёт банки 6 декабрь куни Қашқадарё вилоятидаги Қарши-Шахрисабз-Китоб автойўлининг 77 километрини модернизация қилишга 198 млн доллар кредит ажратишни тасдиқлади, дея хабар қилди [ОТБ матбуот хизмати](#).

"Йўларнинг модернизация қилиниши Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва Европа, шунингдек, Осиё минтақасида савдо-сотикни ривожлантириш учун етакчи транзит пунктни сифатидаги ўрнини мустаҳкамлайди, — деди ОТБ Марказий ва Ғарбий Осиё Департаментининг транспорт бўйича бош мутахассиси. — Лойиха доирасида йўл хавфсизлиги чораларини қўллаш, мутасадди агентлик ва маҳкамалар салоҳиятини ривожлантириш эвазига йўл объектлари ва йўлларни бошқариш ҳолати яхшиланади".

Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлик дастури иштирокчиси ҳисобланган Ўзбекистон йўллари ва автомагистралларининг халқаро транзит трафигига юк ташишлар хажмининг 10 фоизга яқини ҳамда ички юк ва йўловчи ташиш миқдорининг 88 фоизи тўғри келади.

Лойиха доирасида Қарши, Шахрисабз ва Китоб ўртасидаги мавжуд автомагистралнинг иккита участкасини йўл хавфсизлиги ва иқлим ўзгаришларига мослашиш талаблари инобаттага олинган ҳолда тўрт қаторли цементбетон қоплама ётқизиш йўли билан модернизация қилиш кўзда тутилган.

Мазкур йўлни модернизация қилиш Қарши-Китоб автомобиль йўли бўйлаб йиллик трафик ҳажми 2022 йилга қадар 2015 йилдаги 9408 ўрнига 14 минг автотранспорт воситасига қадар ортади. Шунингдек, лойиха халқаро савдо-сотик ва туризмнинг ривожланишига ҳам улкан хиссасини қўшади.

Лойиха унинг асосий ижрочиси ҳисобланган Республика йўл жамғармаси ҳамда йўлларни лойихалаштириш ва қурилиш стандартлари бўйича айрим лойиҳавий институтлар вакилларининг бошқарув кўникмаларини яхшилашга қаратилган салоҳиятни ривожлантириш компонентларини ҳам ўз ичига олади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 266,2 млн доллар бўлиб, унинг 68,2 млн доллари хукумат томонидан молиялаштирилади. Лойиҳанинг 2021 йил охирида якунига етиши кутилмоқда.

